

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1256-ҳадис

1256 - وَعَنْ أَبِي إِبْرَاهِيمَ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سِرْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ صَائِمٌ، فَلَمَّا غَرَبَتِ الشَّمْسُ قَالَ لِبَعْضِ الْقَوْمِ: «يَا فُلَانُ؛ انْزِلْ فَاجْدَحْ لَنَا»، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ لَوْ أُمْسَيْتَ؟ قَالَ: «انْزِلْ فَاجْدَحْ لَنَا» قَالَ: إِنَّ عَلَيْكَ تَهَارًا، قَالَ: «انْزِلْ فَاجْدَحْ لَنَا» قَالَ: فَتَنَزَلَ فَجَدَحَ لَهُمْ، فَشَرِبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ قَالَ: «إِذَا رَأَيْتُمُ اللَّيْلَ قَدْ أَقْبَلَ مِنْ هَهُنَا فَقَدْ أَفْطَرَ الصَّائِمُ» وَأَشَارَ بِيَدِهِ قَبْلَ الْمَشْرِقِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1956، م 1101].

قَوْلُهُ: «اجْدَحْ» بِجِيمٍ ثُمَّ دَالٍ ثُمَّ حَاءٍ مُهْمَلَتَيْنِ؛ أَيُّ: اخْلُطِ السَّوِيقَ بِالْمَاءِ.

1256. Абу Иброҳим Абу Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан йўл юрдик. У зот рўзадор эдилар. Қуёш ботгач, одамлардан бирига: «Эй фалончи, туш, бизга толқон қориб кел», дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, сал кеч кирсин», деди. У зот: «Туш, бизга толқон қориб кел», дедилар. У яна: «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳали кун ёруғ-ку?!» деди. У зот яна: «Туш, бизга толқон қориб кел», дедилар. У тушиб, толқон қориб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (уни) ичдилар-да, сўнг: «Қачон туннинг манави ёқдан келганини кўрсангиз, аниқки, рўзадор ифтор вақтига етишибди», дедилар ва қўллари билан кунчиқар томонга ишора қилдилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Бу ҳадис ифтор вақтида нималар билан ифтор қилиш кераклиги тўғрисида маълумот бермоқда.

Ҳадисда айtilган сафар, рамазон ойида бўлиб ўтган Макка фатҳи сафаридир. Чунки ҳадисни ривоят қилган Ибн Абу Авфо рамазон ойида бўлиб ўтган Бадр сафарига чиқмаган эди. Пайғамбаримиз буйруқ берган саҳоба эса Абу Довуднинг ривоятидан маълум бўлганидек Билол Ҳабашийдир.

Расули Акрамнинг тайёрланишини хоҳлаган таом, қовурилган унни сутга ёки сувга аралаштириб тайёрланган бир таомдир.

Қуёш ботаётганда Пайғамбаримиз толқон тайёрлашни айтганлар, фақат Билол мағриб тарафдаги қизиллик давом этганлиги учун, уни ҳам йўқ бўлиши кераклигини ўйлаб, Пайғамбаримизни бироз кутишларини айтган. Пайғамбаримиз сўзларини уч маротаба айтгандан кейин уловидан тушиб талқонни тайёрлаган. Билол Ҳабашийнинг бу муомаласи Расулуллоҳ с.а.в.га қарши чиқиш эмас, ҳали кеч кирмади деб ўйлаганлиги ва Расулуллоҳ с.а.в.дан тўғрисиини ўрганишни хоҳлаганлигидандир. Шу сабабли Пайғамбаримиз унга ҳеч нарса демасдан сўзларини уч маротаба такрорлаш орқали тўғрисиини билдирганлар. Пайғамбаримиз сувли толқонни ичгандан кейин «қўллари билан машриқ томонга ишора қилиб: «Агар кеч мана бу томондан келса, батаҳқиқ рўзадор оғзини очадиган вақт бўлибди» деб айтганлар.

Манба: hadis.islom.uz

